

10-10-2019

THE PEDAGOGICAL BASICS OF TRAINING STUDENTS FOR PROFESSIONAL, MORAL AND EDUCATIONAL FUNCTION

Mukaddas Karimova

FSU the assistant professor of pedagogical faculty

Ranokhon Tychieva

KSPI the second year student of Pedagogical faculty

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Karimova, Mukaddas and Tychieva, Ranokhon (2019) "THE PEDAGOGICAL BASICS OF TRAINING STUDENTS FOR PROFESSIONAL, MORAL AND EDUCATIONAL FUNCTION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 59.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/59>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE PEDAGOGICAL BASICS OF TRAINING STUDENTS FOR PROFESSIONAL, MORAL AND EDUCATIONAL FUNCTION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ–ТАРБИЯВИЙ, МАЪНАВИЙ–МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Каримова Мукаддас Отажоновна–ФДУ Педагогика кафедраси доценти : Тўйчиева
Раънохон Нодиржон қизи –ҚДПИ Дифектология факультети II–бос. талабаси

Аннотация:Талабаларни касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлаш. Жамият тараққиётининг маънавий–маърифий таянчи узок ўтмиш–тарихига бориб тақалади. Эрамиздан аввалги VII–VIII асрлардаёқ дастлабки маданият марказлари шакллана бошланган. VIII аср охири IX аср бошида илм–фан ривожини, маънавий – маърифий тараққит янги босқичга кўтарилди. IX –XII асрларда маданият юксалиши, уйғонини даври деб аталди. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даври умумий тарихий ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатди ва мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларига пойдевор яратди. Шарқ Уйғонини даврида маънавий–маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. XVI –XVIII асрларда Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Маънави –маърифий янгилини давлат сиёсати даражасига кўрарилди. Талабаларда касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашнинг восита омиллари.

Калит сўзлар: касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолият, Шарқ алломалари ва мутафаккирлари, Ўрта Осиё, Шарқ Уйғонини даври, кретивлик, компотентлик.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ, ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ, ДУХОВНО- ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Каримова Мукаддас Отажоновна–доцент кафедрасы педагогика ФерГУ, тел .:
Тўйчиева Ранохон Нодиржон қизи- студентка 2-курса направиении
Дифектология КППИ

Аннотация:Подготовка студентов к профессиональной, воспитательной, духовной и просветительской деятельности. Духовная и образовательная опора развития общества восходит к далекому прошлому. В VII-VIII веках до нашей эры начали формироваться первые центры культуры. В конце VIII и начале IX века развитие науки, духовности и просвещения вышло на новый уровень. В IX-XII веках культурное возрождение называлось Периодом возрождения. Царствование Амира Темура и Темуридов оказало большое влияние на общее историческое развитие и заложило основу для великой творческой работы в нашей стране. Во времена Восточного Возрождения главной проблемой в духовно-просветительской сфере была проблема человека. В шестнадцатом и восемнадцатом веках просветительское движение Туркестана проходило в два этапа. Духовное и просветительское обновление рассматривалось на уровне государственной политики. Средства подготовки студентов к профессиональной, воспитательной, духовной и просветительской деятельности.

Ключевые слова: профессиональная, образовательная, духовно-просветительская деятельность, ученые и мыслители Востока, Центральная Азия, Восточный ренессанс, критика и компетентность.

THE PEDAGOGICAL BASICS OF TRAINING STUDENTS FOR PROFESSIONAL, MORAL AND EDUCATIONAL FUNCTION

Karimova Mukaddas–FSU the assistant professor of pedagogical faculty Tel no:
Tuychieva Ranokhon–KSPI the second year student of Pedogogical faculty

Abstract: *Preparation students for professional, spiritual and educational function. The spiritual and educational base of society's development goes back long history. Initial cultural civilizations started to appear in VII and VIII BC. The development of science. Moral and educational progress increased to the new stage at the end of VIII and at the end of IX centuries. Cultural progress in IX and XII was named Renaissance. The period of Amir Temur and the control of this dynasty influenced to the general and historical development and in our country they created great foundation in the branch of building. During east Renaissance human was considered the main character in educational and moral field. During XVI-XVIII centuries the enlightenment movement happened in two stages. Spiritual and educational development was seen as important as country's policy.*

Keywords: *professional-training, moral-educational function, East great thinkers, Central Asia, East Renaissance, creativity, component.*

Олий таълим тизимида талабаларни касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёни куйидагиларни қамраб олади: касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятни оқилона ташкил қилишни; талабаларни маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашнинг самарали шакл, услуб ва воситаларини излаб топишни; талабаларни миллий истиқлол ғоясининг педагогик эҳтиёжларини тўғри талқин қилишга ўргатишни: талабаларни касбий, маънавий–тарбиявий илмий билимлар савиясини такомиллаштиришни; талабаларни маънавий –тарбияланганлик даражасини; талабаларни касбий, маънавий–тарбиявий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва бошқалар.

Шунингдек, талабалар касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашда жамият тараққиётининг маънавий–маърифий таянчи узоқ ўтмиш–тарихини билишлиги муҳимдир. Эътибор берадиган бўлсак, турли тараққиёт босқичларида назарий таълимотлар ва мафкураларни яратувчилар, буюк донишмандлар ва уларнинг мислсиз ақл–заковати, истеъдод ва теран фикр соҳиблари узоқ ва бой маънавий –маърифий фаолияти тарихий босқичларга эга.

Эрамиздан аввалги VII – VIII асрлардаёқ дастлабки маданият марказлари шакллана бошланган. Бунга мисол Зардуштийлик динининг асосчиси ва “Авесто” китобининг муаллифи Спитама Заратуштра таълим–тарбия масалаларига ҳам катта эътибор берган ҳолда бундай дейди: “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тирканчи, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”.

VIII аср охири IX аср бошида илм–фан ривожини, маънавий–маърифий тараққит янги босқичга кўтарилди. Яъни, бу борада Халифа Хорун ар– Рашиднинг ўғли Ал–Маъмуннинг илмий марказ “Маъмун академияси”нинг ташкил этилиши билан изоҳлаш мумкин.

IX XII асрларда маданий юксалиш, уйғониш даври деб аталди. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини куйидаги фикрларимиз исботлайди:

- Илмий–фалсафий масалалар, илм–фан маънавият, маърифат жамият ижтимоий ривожланишининг асоси деб қаралди;
- Маърифатга интилиш ва жамоани яхши эзгу ниятларга, бунёдкорликка элтиш инсоннинг асосий бурчи деб қаралди;
- Инсонпарварликка эришиш комил инсонни яратиш ва маънавиятга эришишга йўл очиш бу давр маданиятининг етакчи кучи деб билиш;
- Илм–фан тармоқлари ривожини мустақкам давлатчилик асоси деб билиш;
- Фозил жамоа таълимотини яратиш ва унга амал қилишларига асосий эътибор қаратилди.

X асрда–Ўзбекистонда худудда таълим масканлари фаолияти куйидаги таълим шакллари ўз ичига олди:

- А) анъанавий бошланғич мактаблар
- Б) мадрасалар
- В) хусусий ўқув масканлари
- Г) ихтисослаштирилган махсус таълим шакллари
- Д) мустақил таълим

Бу таълим масканларининг фаолияти Шарқ уйғониш даврининг асосий пойдевори бўлди.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошларигача бўлган давр Амир Темур ва темурийлар хукмронлиги даври умумий тарихий ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатди ва мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларига пойдевор яратди. Бу асрларда фанларнинг кўп соҳалари: тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, жуғрофия, фалакиёт, тарих, мантиқ, адабиёт, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқа фанлар тараққий этди. Адабиёт ва адабиётшунослик юксалиб, шеърият–назм соҳасида ижод қилувчи машҳур шоирлар етишиб чиқди.

Бу ҳақида республикамиз Президенти Ш. М. Мирзиёев куйидаги фикрлари ўринлидир. “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бутунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин” [1.1] Республикаимиз Президентининг ушбу фикрлари кўплаб илмий–тадқиқот ишларига асос бўла олади.

Ўрта асрлардаги педагогик фикрлар уйғониш даврида янада ривожланди. Ўрта Осиёда уйғониш даври икки даврни–IX–XII асрлар ҳамда XIV–XV асрларни ўз ичига олади. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, фундаментал илмий кашфиётлар яратилган бу маънавий-маданий юксалиш даврида кўплаб мутафаккирлар етишиб чиқди.

Шарқ Уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган. Дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолоти, олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган. Жаҳон цивилизацияси ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Шарқ алломалари бир қатор фанлар, жумладан педагогиканинг ҳам кўп томонларини, ҳам чуқур асосли ишлаб чиққан. Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насихатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ахлоқ-одоб меъёри ҳисобланган [2. 87].

XVI–VIII асрда Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда янгича илм–фаннинг аҳамиятини кўтариш, Европанинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш каби масалалар илгари сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқди. Иккинчи босқичда маърифатчиликдан–жадидчилик чиқдики, у эндиликда янгича таълим–тарбия, янги усул мактабларини йўлга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгаллаш, янги ижтимоий–сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кўтарилди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илгор зиёлилар, бу мактаблар учун турли–туман дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Чўлпон, Садриддин Айний, Исҳоқхон Ибрат ва бошқалар бу соҳада жонбозлик кўрсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг саъий–ҳаракати туфайли, янги таълим–тарбия, ўқув–ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди.

XI–XX асрларда буюк истеъдод эгалари маърифатпарвар бўлган халқимизнинг ажойиб ботир, довюрак, халқпарвар, ватанпарвар ўғлонлари етишиб чиқдилар. Жумладан, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Файзулло Хўжаев ва бошқалар.

Ўлкамиздаги маърифатчилик ҳаракати ва фаолияти Марказий Осиёда маънавий ўзгаришлар, илгор педагогик ва ижтимоий, маърифий – фалсафий қарашлар, ғоялар жадидчилик ҳаракатининг ривожланиш суръатига катта таъсир кўрсатди. Жадидчилик ҳаракати намаёндалари ўз халқи Ватанининг фаровонлиги ва биз келажак авлод таълим– тарбиясини оқилона ташкил этиш ишларига маънавий–маърифий мерос қолдириб кетдилар.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, ҳар бир шахс аниқ тарихий даврнинг аниқ инсонлар ҳамжамиятининг вакили сифатида ўзига хос шахсий–касбий сифатларга эга бўлади ва айнан жамиятнинг барча аъзолари ўзаро касбий маънавий–маърифий фаолиятига хос фаоллика эришади. Шунингдек, касбий–

тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятнинг ранг–баранг ва хилма–хиллиги, шахслараро муносабатлардаги эзулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлгон, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик каби сифатларда ифодаланади.

Мамлакатимиз мустақилиги туфайли маънавий–маърифий янгилашни давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маънавий–маърифий ишлар долзарб муаммолардан бирига айланди. Жамиятимизнинг ҳар аъзоси ўтмиш тарихимизни яхши билиши ва унутмаслиги билан бир қаторда уларни келажак авлодга етказиб бериши шарт.

Талабаларнинг касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолияти самарадорлигини ошириувчи восита–педагогика ва психология фанлари орасидаги ўзаро назарий ва амалий бирликнинг таъминланишидир. Бўлажак ўқитувчиларни касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат–деб биламиз:

- талабалар бўш вақтини фойдали ташкил қилишга қаратилган ташкилотларнинг касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий тадбирлари янги тизимини яратиш;
- талабаларни касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятини назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- талабалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни зарарсизлантиришнинг маърифий–тарбиявий чора–тадбирларни ишлаб чиқиш;
- мазкур таълим йўналишида олий таъли муассасаси ва оила, маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш;
- касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий ишларда моддий маънавий қадриятлардан фойдаланишнинг илмий–услубий, ташкилий шарт–шароитларини таъминлаш.

Талабаларнинг касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолияти педагогик–психологик билимга эгаллиги, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, ташаббускорлиги, креативлиги ва компотентлиги билан баҳоланади.

Ҳозирги кунда ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ва креативлигини такомиллаштириш, улар шахсига янгича ёндашув ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг зарурий талабидир. “Компетентлик” (ингл. “competence”–“қобилият”)–фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш. Шунингдек, “Компетенция” атамаси кенг маънода умумий масалаларни ҳал этишда амалий тажрибалар асосида билим ва малакаларни қўллаш, муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилиятини билдиради.

Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади. Креативлик сўзи (инглизча “create”–яратувчанлик, ижодкорлик) сўздан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципаал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, талабаларда касбий маънавий сифатларни шакллантириш бевосита уларнинг компотентлиги ва креативлигига ҳам боғлиқдир. Бўлажак ўқитувчининг касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашда касб ахлоқига доир билимлар билан қуроллантириш; устоз–шогирд анъаналари ҳақида билим бериш; маънавиятни шакллантириш муаммоларини ўрганиш; маърифий камолот сирларини ўргатиш: хорижий мамлакатлар педагогикасида эришилаётган илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, истиқболли режалар тузиш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни касбий–тарбиявий, маънавий–маърифий фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий–педагогик асосларини янада такомиллаштириш бугунги кундаги муҳим масалалардан бири бўлиб биз бунга яна қайтамыз.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi "Vatanparvar" gazetasi 2017 y. 29 dekabr soni №52 (2751)
2. Dolimov U. Milliy uyg'onish pedagogikasi.–T.:NOSHIR, 2012. 87 b.
3. Xayrullaev M. Ma'naviyat yulduzlari.–T.:Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2001.
4. Muslimov N.A., Mutalipova M.J., Abdullaeva Q.M. Talabalarning kommunikativ kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. Metodik qo'llanma. –T., 2014.
5. Muslimov N.A. va b. Kasbiy malaka va pedagogik mahorat. Uzluksiz malaka oshirish yo'nalishi bo'yicha o'quv materiallari.–T., 2009.
6. Xoliqov A. Pedagogik mahorat.–T., 2010.
7. Xoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi.–T.:Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005.
8. Ishmuxamedov R. va b. Ta'limda innovatsion texnologiyalar.–T.:Iste'dod, 2008.
9. Slastenin V.A. i dr. Pedagogika. Ucheb. pos. 4-e izd.–M.:SHkolnaya pressa, 2004.